

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБИЙ КАМПИТЕНТЛИГИНИ
ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Матвапаев Азизбек Ғойибназар ўғли***Урганч давлат университети таянч докторанти*matvapayevazizbekg@mail.com

Мавзунинг долзарблиги: Дунёда таълимнинг халқаролашуви шароитида педагогларнинг креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг рефлексив позициясини шакллантириш орқали мустақил малака ошириш жараёнларини жадаллаштириш, андрагогик ёндашув асосида педагогларнинг шахсий компетентлигини таркиб топтиришга доир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали бўлажак ўқитувчиларда инновацион фаолиятни ривожлантириш, интернал мотивацияни кенгайтириш орқали ўз-ўзини таҳлил этиш ва баҳолаш малакасини шакллантириш, аутопсихологик компетентлик асосида ўқитувчиларнинг акмеологик қобилиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кампитентлигини илғор хорижий тажрибаларни қўллашнинг бенчмаркинг моделини такомиллаштириш, мустақил ўз-ўзини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Мамлакатимизда педагогларнинг шаъни ва обрўсини ошириш, инновацион фикрлаш маданиятини таркиб топтириш, таълим жараёнларида муқобил ўқитиш шакллари жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, - Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш муҳим долзарблик касб этади. Бу эса, олий таълим тизимида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари касбий кампитентлигини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари ва педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Республикаимизда А.Аскарлов, Г.Боймуродова, А.Ибрагимов, А.Ибрайимов, А.Раджиев, М.Юлдашев каби олимлар узлуксиз таълим тизими ходимларини касбий кампитентлигини ошириш, мазкур жараённи ташкил этишда масофавий ва аралаш таълимнинг имкониятларини кенгайтириш, А.Джураев, О.Мусурмонова, Н.Муслимов, М.Мирсолиевлар олий таълим муассасаси раҳбар-ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш интеграциялашган таълимнинг имкониятларини кенгайтириш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга доир илмий изланишлар олиб боришган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан О.Орлова Европа мамлакатларида олий таълим тизими ва унинг таълим ривожланишидаги ўрни, В.Б.Гаргай Буюк Британияда ўқитувчилар касбий малакаларини ривожланиши, О.А.Козырева, О.И.Мезенцева,

А.И.Носков, Л.И.Петровлар илмий тадқиқот ишларида Россия таълими тизими бўлғуси ходимларининг таълим бериш ва малакасини оширишнинг устувор йўналишлари ва етакчи тенденциялари очиб берилган.

Тадқиқотнинг мақсади: жисмоний тарбия ўқитувчиларикасбий кампитентлигини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари

жисмоний тарбия ўқитувчиларикасбий кампитентлигининг мавжуд ҳолатини ва хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил этиш;

илғор хорижий тажрибалар асосида касбий кампитентлигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва мазмунини ёритиб бериш;

Тадқиқот услублари. Тадқиқотда илмий адабиётлар таҳлили, аналитик шарҳ, қиёслаш, далилларни асослаш, таққослаш, анкета, савол-жавоб, суҳбат интервью, педагогик эксперимент, математик статистика каби усуллардан фойдаланилди

Натижалар таҳлили. Мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиларикасбий кампитентлигини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришга қаратилган тажриба-синов ишлари Урганч длатат университети 62 нафар профессор-ўқитувчилар ва 500 нафар тингловчилар респондентлар сифатида иштирок этдилар.

1-жадвалда илғор хорижий тажрибалар асосида олий талим жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиларикасбий ривожланганлик даражасининг кўрсаткичлар бўйича натижалари келтириб ўтилган.

1-жадвал

Илғор хорижий тажрибалар асосида касбий кампитентлигининг ошириш жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий ривожланганлик даражасининг таҳлили

№	Талабаларнинг билимларини аниқлаш мезонлари	Тажриба гуруҳи n= 250			Назорат гуруҳи n=250		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1	Талабаларнинг таълим тизимига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишганлиги	120	110	20	90	82	78
2	Таълим тизимига оид илғор хорижий тажрибалардан хабардорлиги	131	109	10	88	82	80
3	Таълим олиш жараёнида илғор хорижий тажрибаларни қўллай олиши.	133	109	8	92	83	70
4	Таълим олиш жараёнида аждодлар мероси ва миллий қадриятларимизнинг муҳимлигини ҳис этиши	135	106	9	91	80	79
5	Таълим олишнинг муқобил шакллари биллиши	128	115	7	95	80	75
6	Таълим жараёнида курслари ўқув режаси ва дастури мазмунидан хабардор бўлиши	134	108	8	90	79	81
7	Таълим тизимини такомиллаштириш йўллари,	126	112	12	83	84	83

	ушуллари, воситалари ва технологияларини билиши						
8	Жисмоний тарбия ва спорт тизимини такомиллаштириш бўйича замонавий таклифлар тайёрлай олиши	113	121	16	85	83	82
	x	127,5	111,25	11,25	89,25	81,625	78,5

Статистик таҳлиллардан тингловчиларнинг жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий кампитентлигини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш даражаларини аниқлаш ҳамда тажриба боши ва якунида профессор-ўқитувчиларнинг ва битказувчи талабаларнинг билим ва компетенцияларини оширишга қаратилган самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги маълум бўлди.

Хулосалар. Жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий кампитентлигини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш механизмлари бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Мактаб жисмоний тарбия ўқитувчилар учун долзарб муаммо бўлган давлат таълим стандартларини жорий этиш ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида, авваламбор, таълим жараёнининг ҳудудий ва тартибга солувчи таркибий қисмга, ўқитиш услубларига, ўқувчиларга янги ўқув натижалари ва уларни баҳолаш воситаларига, таълим жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига ўзгартиришлар киритиш лозимлигини тақозо этади.

2. Инновацион ривожланишнинг энг муҳим компоненти бўлган замонавий жисмоний тарбия таълим тизимининг вазифаси – ҳар бир тингловчининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, юксак технологияли рақобат муҳитида индивидуал тараққиёт траекториясини мустақил равишда танлашга қодир бўлган етук мутахассисни етиштиришдан иборат.

3. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти тингловчиларнинг касбий маҳоратини яхлит тарзда ривожлантиришни таъминлашга қаратилган. Бу эса, ўқув курсларини муваффақиятли яқунлаган талабаларнинг рейтинг натижалари билан тасдиқланади.

4. Битирувчиларнинг ўқув жараёнини ташкилий-педагогик жиҳатлари қатъий интизомлилик, мулоқотчанлик, ўз-ўзини ривожлантиришга эришишга ҳаракатчанлик ва мустақиллик каби сифатларни таркиб топтиришга йўналтирилган модулли таълимнинг таянч нуқтаси ҳисобланган аналитик-рефлексив фаолиятнинг интеллектуал-педагогик компетенция билан интернал тарзда намоён бўлишининг даража (критик, мақбул, ижобий) тавсифини белгилаш орқали аниқланди.

5. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий кампитентлигининг такомиллаштиришнинг касбий малака харитасини тузиш, индивидуал таълим траекториясини белгилаш, ўқитишнинг турли хил шакллари амалга ошириш, андрагогик ва витаген таълим интеграциясини таъминлашга доир устувор

Йўналишлари янги Ренессанс педагогикасининг ижтимоий мослашув ва мобиллик, шахсий ҳаётий тажрибага асосланган витаген таълим каби талаблари ҳисобга олинди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Turekeeva A.J. Formation of the system of increasing the qualification of teachers in asian countries // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. - Great Britain, 2019. - №10. Vol. 7 - P. 58-671.

2. Aftimiciuc O. Formare aritmului de comunicare didactica la studentii institutiilor de culture fizika. Teza de doctor in stiintepedagogice. - Chisinau, 1998.

3. Benjamin Love. The Beauty of Sport: a cross-disciplinary inquiry. PENTICE - HOLL INC., EnglewoodCliffs (Бенд. Б. Лоу. Красота спорта: Междисциплинарное исследование. Перевод с английского - И.Л. Моничева / Под ред. В.И. Столярова. - М.: Радуга, 1984).